



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ



А.Авлоний номидаги
педагогларни касбий
ривожлантириш ва янги
методикаларга ўргатиш
миллий-тадқиқот институти

TALIS

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА МЕЗОНЛАРИ АСОСИДА
А.АВЛОНӢ НОМИДАГӢ ПЕДАГОГЛАРНИ
КАСБӢ РИВОЖЛАНТИРИШ
ВА ЯНГӢ МЕТОДИКАЛАРГА ЎРГАТИШ
МИЛЛИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ТОМОНИДАН УМУМИЙ ЎРТА ТАҶЛИМ
ТАШКИЛОТЛАРИДАГӢ МАВЖУД ПЕДАГОГИК,
МЕТОДИК ВА ИЖТИМОИЙ МУҲИТ ҲАҚИДА
МАҶЛУМОТ ТЎПЛАШ МАҚСАДИДА
ЎТКАЗИЛГАН ТАДҚИҚОТ

ҲИСОБОТИ

1-ҚИСМ

ЎҚИТУВЧИ ВА МАКТАБ ДИРЕКТОРЛАРИНИ
УЗЛУКСИЗ ТАЙЁРЛАШ БЎЙЧА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ
ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ
ВА ЯНГИ МЕТОДИКАЛАРГА ЎРГАТИШ
МИЛЛИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

А.Раджиев, Ф.Каримов, А.Ибрагимов, М.Ахмедов



**ХАЛҚАРО ТАЖРИБА МЕЗОНЛАРИ АСОСИДА
А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ПЕДАГОГЛАРНИ
КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ МЕТОДИКАЛАРГА
ЎРГАТИШ МИЛЛИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ТОМОНИДАН
УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДАГИ МАВЖУД
ПЕДАГОГИК, МЕТОДИК ВА ИЖТИМОИЙ МУҲИТ ҲАҚИДА
МАЪЛУМОТ ТҮПЛАШ МАҚСАДИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАДҚИҚОТ**

ҲИСОБОТИ

1-ҚИСМ

TALIS-2023 халқаро тадқиқотига
Ўзбекистон мактаблари ўқитувчи ва
директорларини тайёрлаш

Тошкент

Тузувчилар:

А.Раджиев - А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти директори, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

Ф.Каримов - А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти директор ўринбосари, сиёсий фанлар доктори (DSc), доцент.

А.Ибрагимов - А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти Халқ таълими тизими статистикасини шакллантириш ва тадқиқ қилиш илмий-тадқиқот бўлими мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

М.Ахмедов - А.Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти илмий котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.



МУНДАРИЖА

Кириш	6
1. TALIS-2018 тадқиқоти түғрисида.....	9
2. 2021 йил Ўзбекистонда TALIS-2018 халқаро тадқиқот талаблари асосида ўтказилган сўровнома ва тадқиқот ҳақида	13
3. Ўзбекистонда мактаб ўқитувчиларининг ижтимоий-демографик образи	21
3.1. Ўзбекистондаги мактаб ўқитувчилари ва мактаб директорларининг жинси ва ёшлари	22
3.2. Ўқитувчилик касби	24
3.3. Ўзбекистонда мактаб ўқитувчиларининг малака ошириши ва касбий тайёргарлиги	28
3.4. Ўзбекистонда мактаб директорларининг малака ошириши ва касбий тайёргарлиги	42
4. Ўзбекистонда мактаб ўқитувчилари ва директорларининг мехнат фаолиятлари	47
4.1. Ўқитувчилик фаолияти	48
4.2. Мактаб директорининг иш кунлари	58
5. Ўзбекистон мактабларининг ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари.....	63
6. Ўзбекистонда ёш ўқитувчилар.....	71
Хуносалар.....	77
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	84
Илова 1. TALIS-2018 тадқиқотида иштирок этган мамлакатлар ва худудлар рўйхати	86
Илова 2. Ўзбекистон намунасининг шаклланиши	87
Илова 3. TALIS-2018 халқаро тадқиқот талаблари асосида ўтказилган сўровнома ва тадқиқот ҳисоботининг иккинчи қисми	88



А. Авлоний номидаги педагогларни касбий
ривожлантириш ва янги методикаларга
ўргатиш миллий-тадқиқот институти



Биз устозни отадай улуғ деб билган, доимо ардоқлаган маърифатпарвар халқнинг вакилларимиз. Мен ҳам ўқитувчи, муаллим деганда ўзим учун энг азиз ва ҳурматли бўлган, зиёли ва замонавий, самимий ва меҳрибон инсонларни тасаввур қиласман. Чунки ҳаммамизга ҳам шу муаллим сабоқ ва таълим бериб, меҳрибон ота-оналаримиз қаторида тарбиялаган.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври пойдеворини яратяпмиз. Бунда бизнинг энг яқин қўмакчиларимиз устоз ва мураббийлар, илмий ва ижодкор зиёлилардир.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.М.Мирзиёев**



Кириш


Жаҳонда инсон омили ва капитали, қобилияти ва салоҳиятидан инновациялар жорий қилиш асосида самарали фойдаланиш рақамли бошқарув тизими ва ахборот коммуникация воситалари шаклланаётган бир вақтда, бўлажак педагогларни касбга йўналтириш ва уни самарали бошқариш бўйича мутахассис-кадрлар тайёрлаш сифатининг пасайиб бориши оқибатида айрим давлатларнинг ривожланишдан ортда қолишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, таълимда ихтисослаштиришнинг илмий асосланган тизими жорий қилинмагани, таълим тармоқларида моддий-техник ва инновация тизимининг қониқарсиз аҳволда экани, касбга йўналтиришда инновацион бошқарув фаолиятининг ташкилий-методологик асослари тўлиқ ишлаб чиқилмагани, олий маълумотли профессионал педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари ўртасидаги интеграцион муносабатлардаги муайян муаммоларнинг юзага келиши натижасида халқ таълими тизимида ўқитувчиларни касбга йўналтиришда инновацион бошқарув фаолиятининг аҳамияти ошиб бормоқда. Шу муносабат билан, оқилона бошқарув учун зарур ҳисобланган ахборот кўлами ҳам ортиб боради.

Сўнгги йилларда республика иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш, илм-фан ва илмий фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва натижадорлигини ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Демократик ислоҳотларни амалга ошириш, жумладан, инсон ҳуқук ва эркинликлари ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Айни пайтда, “Инсон қадри учун”, деган устувор тамойил жамиятимиз бош мезони бўлди. Инсон қадрини ошириш мақсадида, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилмаларни ташкил этиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом ҳаёт ва экологик муҳит яратишга ҳаракат қилинмоқда.

Шундай бўлсада, мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар илм-фан ва инновация соҳасида давлат бошқаруви механизмларини такомиллаштириш, илмий фаолиятга оид давлат дастурларини шакллантиришда шаффофликни ошириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни жорий этиш ишларини жадаллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамоилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сон қарори, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сон Фармони, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон Фармони билан тасдиқланган “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси”, 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон фармони, 2021 йил 25 январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4963-сон қарори ва бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда келтирилган муҳим вазифалар ўқитувчи-педагогларни касбий ривожлантиришда инновацион бошқарув фаолиятининг ташкилий-методологик асосларини тадқиқ қилишнинг долзарблигини белгилаб беради. Мазкур тадқиқот-сўровнома натижалари эса юқоридаги норматив ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда муайян даражада хизмат қиласади.





**TALIS-2018 ТАДҚИҚОТИ
ТҮФРИСИДА**

1. TALIS-2018

тадқиқоти түғрисида

TALIS (Teaching and Learning International Survey)¹ бу – мактаб таълими тизими ўқитувчилар қатлами(корпуси)ни ўқитиш ва уларни ўрганиш бўйича халқаро тадқиқотлар мажмуаси бўлиб, OECD (Organisation for Economic Cooperation and Development) – Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ҳомийлигига ўтказиладиган мактаб таълим муҳити, касбий шароитлар ва ўқитувчиларни профессионал/маҳоратли педагог даражасигача ривожлантириш бўйича кенг кўламли ва нуфузли халқаро қиёсий тадқиқотлардир².



¹ TALIS – The OECD Teaching and Learning International Survey [Электрон манба] // OECD. – Кириш режими: www.oecd.org/education/talis

² OECD [Электрон ресурс, манба]. – Кириш режими: <https://www.oecd.org>. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (инглиз тилида: The Organisation for Economic Cooperation and Development (OECD), рус тилида: Организация экономического сотрудничества и развития (ОЭСР), француз тилида: Organisation de Coopération et de Développement Économiques, OCDE) 37 аъзо мамлакатлар билан ҳукуматлараро иқтисодий ташкилот бўлиб, 1961 йилда иқтисодий тараққиёт ва жаҳон савдосини рағбатлантириш учун ташкил этилган. Бу ўзларини демократия ва бозор иқтисодиётiga содик деб таърифлайдиган, сиёсий тажрибаларни таққослаш, умумий муаммоларга жавоб топиш, энг яхши амалиётларни аниқлаш ва мувофиқлаштириш учун платформа бўлган мамлакатлар форуми ҳам хисобланади.

TALIS сўровномаси натижалари дунё мактабларидаги академик мухит, ўқитувчи ва мактаб директорларининг касбий фаолияти, уларнинг малака оширишларига оид мавжуд шароитлар ҳақида фикр юритишга ундейди. Мазкур кенг кўламли тадқиқот ота-оналар ўз фарзандлари тақдирини ишониб топшираётган таълим даргоҳларида содир бўлаётган педагогик, услубий ва ижтимоий жараёнлар түфрисидаги имкон қадар холис маълумотларни тўплаш, таҳлиллар натижасида уни такомиллаштиришга тўскىнлик қилаётган омилларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган.

Сўровномада мактаб ўқитувчилари ҳамда директорлари ўз малакаларини ошириш жараёнида, ўқитиш амалиётида, дуч келаётган касбга доир муаммолар ҳақида билдирган мулоҳазалари маҳсус ишлаб чиқилган концептуал мезонлар орқали баҳоланади. Тадқиқотда мактаб ҳаётидаги долзарб масалалар, хусусан, мактаб раҳбариятининг қуи поғонадаги ҳамкаслари билан профессионал муносабатлари, унинг мактаб мухити ва ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришига таъсири ўрганилади. TALIS тадқиқоти таълим тизимининг бевосита иштирокчилари ўз қарашларини ифодалагани сабабли унинг натижаларининг чуқур таҳлилига мамлакатлар таълим сиёсатида янги ёндашувларни ишлаб чиқишида жиддий манба сифатида қаралади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD)нинг таъсис этувчи давлатларидан ҳисобланмиш Германия, Ирландия, Люксембург ва Греция TALIS сўровномаларида умуман иштирокэтмаганларига гувоҳ бўлиш мумкин. TALIS тадқиқоти Буюк Британия ва Канадада ҳам умуммиллий эмас, балки тегишли равишда алоҳида минтақалар Англия ва Канаданинг Алберта ҳудудларидагина ўтказилган. Коста-Рика OECDга расман 2021 йилнинг май ойида аъзо бўлиб киргани боис ҳали TALIS тадқиқотларида қатнашиб улгурмаган.

МДҲ давлатлари орасидан фақат Россия Федерацияси ва Қозогистон TALIS тадқиқотларида иштирок этган. Собиқ совет республикаларидан турилийдиларда Эстония, Грузия, Латвия, Литва давлатлари, собиқ социалистик мамлакатлардан эса Болгария, Чехия, Польша, Руминия, Сербия, Словакия, Словения, Венгрия, Хорватия қатнашган. TALIS сўровномаси Россия Федерациясида 2013 йилда, Грузия ва Янги Зеландия каби мамлакатларда эса 2014 йилда ўтказилган. Россия Федерациясидаги 2018 йилги тадқиқотларда



230 та таълим муассасаларининг 4044 нафар ўқитувчилари ва 230 нафар директорларининг фикрлари ўрганилган.

Ўқитиши ва таълим олиш халқаро сўровномаси (TALIS) қароргоҳи Париж шаҳрида жойлашган Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) ҳомийлигига 2008 йилдан бошлаб ҳар 5 йилда бир маротаба ўтказиб келинади. TALIS ўқитувчиларнинг иш шароитлари, мактаблардаги ўқув мухитини ўрганишга бағишлиланган энг йирик ва нуфузли халқаро тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Тадқиқотнинг мақсади – иштирок этувчи мамлакат ўрта таълим ташкилотларида энг самарали ўқув жараёнини таъминловчи механизмларни аниқлаш ва ишлаб чиқишида ёрдам беришдир. Шунингдек, ўқитувчи ва директорлар таркибини касбий ривожлантириш ва самарали ўқитиши учун шароитларни такомиллаштириш мақсадида турли мамлакатлардаги ўқитувчи ва мактаб директорлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва қиёсий таҳлил қилиш ишларини олиб боради.

TALIS техник талабларига биноан сўровнома намунаси учун муайян мамлакатнинг 200 та мактаблар танлаб олинади. Ҳар бир мактабдан 20 нафар 5-9-синфларда таълим берадиган ўқитувчилар ва шу сўровномада қатнашашётган мактабнинг директори, ўртача жами 200 нафар директорлар ва 4000 нафар ўқитувчи иштирок этади. Тадқиқот ўрта таълим тизими муаммоларига педагоглар нуқтаи назаридан қарашга, маълумотларни таққослаб, таҳлил қилиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида шу сингари долзарб масалаларни имкон қадар барвақт аниқлаш, чуқурроқ ўрганиш ҳамда уларни ҳал қилишнинг энг самарали усууларини излаб топишга ёрдам беради.

Тадқиқот ҳисоботларида янги давр талаблари ўқитувчилар бутун умр давомида ўз устиларида ишлашларини тақозо этиши, сифатли таълимни сифатсиз ўқитувчилар билан барпо этиш иложсиз экани таъкидланади. TALIS ўқув мухити ва мактаблардаги ўқитувчиларнинг меҳнат шароитларига бағишлиланган биринчи халқаро сўровнома ҳисобланади. Мактаб муаммоларини таҳлил қилиш орқали мактаб бошқаруви самарадорлиги ва масъулиятини оширишга қаратилган. Таълим тизими ходимларининг кундалик меҳнат тақсимоти, ваколатларнинг нақадар шаффоф экани пировардида таълим олиш ва бериш мухити ҳамда ўқитувчилар руҳий ҳолати ва меҳнат унумдорлигига таъсири илмий таққосланиб ўрганилади.

2. 2021 йил Ўзбекистонда TALIS-2018 халқаро тадқиқот талаблари асосида ўтказилган сўровнома ва тадқиқот ҳақида



Мазкур ҳисобот Ўзбекистонда А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институти жамоаси томонидан 2021 йилда TALIS-2018 халқаро тадқиқотлари талаблари асосида ўтказилган сўровнома натижаларидан иборат. Тадқиқот таълим ташкилотлари ичида юзага келадиган педагогик, методик ва ижтимоий жараёнлар ҳақида маълумот тўплаш ҳамда таҳдиллар асосида хулосалар олиш мақсадида амалга оширилган. Унда мактаб ўқитувчилари ва директорлари ўзларининг малакасини ошириш, педагогик амалиёт, касбий муаммолар, амалга оширган ишларини баҳолаш ҳақида ўз фикрларини билдирганлар. Тадқиқот мактаб билан боғлиқ муаммо ва масалаларни ҳал қилишга қаратилган.



Зеро, TALIS тадқиқоти таълим тизимини мактаб жамоаси вакиллари “кўзи билан” кўриш имкониятини беради ва олинган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида таълимга оид қарорлар қабул қилишда фойдаланиш мумкин. Халқаро норасмий амалиётда тадқиқот оддий мактаб ўқитувчиларининг таълим соҳасида қарор қабул қилувчи тизими раҳбарияти билан мулоқот қилиш воситаси бўлгани сабабли “ўқитувчи овози” деб аталади.


А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институти Ўзбекистон Республикасида 48 та бошқа мамлакатларда (1-иловага қаранг) олиб борилган TALIS-2018 тадқиқотлар натижалари асосида 2021 йилда ички тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқот намунаси асосида мамлакатимизнинг 14 та худудидаги 4000 та умумий ўрта таълим ташкилотларидағи (2-иловага қаранг) 12446 нафар респондентларидан сўровлар олинган бўлиб, (2020 йил сентябрь ҳолатига Республика умумий ўрта таълим мактабларида 501044 нафар ўқитувчилар фаолият кўрсатган бўлиб, сўровномада иштирок этган ўқитувчиларнинг сони жами ўқитувчиларга нисбатан 2,5%ни ташкил этган. TALIS тадқиқотлари талабларига асосан сўровларда жами ўқитувчиларнинг 2% иштирок этиши талаб этилади), шундан 349 нафари мактаб директорлари, 1090 нафари директор ўринбосарлари, 10544 нафари ўқитувчилар ва 463 нафари халқ таълими тизимидағи бошқа лавозим вакилларидир. Тадқиқотлар халқ таълими тизимининг 18 та фанини ўз ичига олган.

**1-жадвал. TALIS-2018 тадқиқоти саволномаси асосида 2021 йилда
Ўзбекистон Республикасида ўтказилган ички тадқиқотда иштирок
этганлар тўғрисида маълумот**

т/р №	Сўровномада иштирок этган респондентлар	Иштирокчилар сони	Жамига нисбатан, %
1.	Жами респондентлар, шундан:	12446	100 %
	Аёллар	8838	71 %
	Эркаклар	3608	29 %
2.	Директорлар, шундан:	349	2,8 %

2. 2021 ЙИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА TALIS-2018 ХАЛҚАРО ТАДҚИҚОТ ТАЛАБЛАРИ
АСОСИДА ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВНОМА ВА ТАДҚИҚОТ ҲАҚИДА

	Аёл директорлар	152	1,2 %
	Эркак директорлар	197	1,6 %
3.	Директор ўринбосарлари	1090	8,7 %
	Аёл директор ўринбосарлари	469	3,7 %
	Эркак директор ўринбосарлари	621	5,0 %
4.	Ўқитувчилар, шундан:	10544	84,8 %
	Аёл ўқитувчилар	7904	63,6 %
	Эркак ўқитувчилар	2640	21,2 %
5.	Халқ таълими тизимидағи бошқа лавозимдагилар, шундан:	463	3,7 %
	Аёллар	313	2,5 %
	Эркаклар	150	1,2 %



**1-кўрсаткич. Сўровномада иштирок этган респондентлар ҳақида
статистик маълумот**



Тадқиқот натижалари Сингапур, Япония, Саудия Арабистони, Финландия, Россия Федерацияси, Латвия, Нидерландия, АҚШ ва бошқа мамлакатлар ўртасидаги маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида шу каби муаммоларни аниқлашга ва уларни ҳал қилишнинг энг самарали амалиётларини ўрганишга ёрдам беради.



Тадқиқот-сўровномада иштирок этганлар

Тадқиқот-сўровномада 4000 та мактабдан иштирок этган 12446 нафар ходим 14 та ҳудуддан ҳар бири тасодифий олинган (2-жадвал).

2-жадвал. TALIS-2018 тадқиқоти намунаси асосида сўровномада иштирок этган ҳудудлар

Ҳудудлар	Жами	Директор	Директор ўринбосари	Ўқитувчи	Халқ таълимидағи бошқа лавозимлар
Қорақалпоғистон Республикаси	631	30	100	464	37
Андижон вилояти	411	6	44	354	7
Бухоро вилояти	1676	35	127	1468	46

Жиззах вилояти	975	43	110	766	56
Қашқадарё вилояти	1023	39	71	878	35
Навоий вилояти	795	26	62	686	21
Наманган вилояти	1229	33	120	1061	15
Самарқанд вилояти	1324	56	162	1050	56
Сирдарё вилояти	610	19	23	498	70
Сурхондарё вилояти	691	32	58	570	31
Тошкент вилояти	692	15	58	608	11
Тошкент шаҳар	699	7	61	622	9
Фарғона вилояти	1047	3	60	936	48
Хоразм вилояти	643	5	34	583	21
Жами	12446	349	1090	10544	463

Тадқиқотда 349 нафар мактаб директорлари ва 10544 нафар ўқитувчилари тасодифий равишда ўз ихтиёри билан иштирок этишган. TALIS-2018 тадқиқоти намунаси асосида мамлакатимизнинг 14 та ҳудудида ўтказилган сўровномада, энг кўп иштирокчилар Бухоро вилоятидан бўлиб, жами 1676 нафар респондентларнинг асосий қисмини (1468 нафарини) ўқитувчилар ташкил этган. Кейинги ўринларда Самарқанд вилояти 1324 нафар, Наманган вилояти 1229 нафар ўқитувчилар, мактаб директорлари ва халқ таълимидағи бошқа лавозимлардаги ходимлар иштирок этишган.

Шунингдек, сўровноманинг объективлигини таъминлаш мақсадида, ҳудудларнинг қишлоқда, олис ҳудудда, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоят, туман марказлари ва шаҳарларда жойлашган умумий ўрта таълим ташкилотлари раҳбар ва ўқитувчи-ходимлари тадқиқот сўровларида иштирок этишган (3-жадвал).



**З-жадвал. Сўровномада иштирок этган респондентларнинг
худудлар бўйича улуши**

Худудлар	Жами	Директор	Директор ўринбосари	Ўқитувчи	Халқ таълимидағи бошқа лавозимлар
Қишлоқ	6743	182	639	5714	208
Олис худуд	400	30	46	309	15
ҚҚР, Тошкент ш, вилоят маркази	851	35	80	697	39
Шаҳар, туман марказлари.	4452	102	325	3824	201
Жами	12446	349	1090	10544	463

Қишлоқ мактабларидан жами 6743 нафар, олис худудлардан 400 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоят марказларидан 851 нафар, туман марказлари ва шаҳарларда жойлашган умумий ўрта таълим ташкилотларидан 4452 нафар респондентлар ўз фикр-мулоҳазаларини қолдиришиди.


Сўровнома натижаларига кўра, умумий ўрта таълим мактаблари машғулотларининг сменалилиги бўйича мактаблар улушкини таҳлил қилсак, 2019-2020 ўқув йилига нисбатан бир сменада таълим юритадиган мактаблар улушкининг 6,9 фоизга камайганини ҳамда икки сменадаги мактаблар улушкининг 6,9 фоизга ошиб кетганини кўриш мумкин. 2020-2021 ўқув йилида машғулотларнинг сменали мактабларда таълим оладиган ўқувчилар улушкининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2019-2020 ўқув йилига нисбатан бир сменадаги ўқувчилар сони улushi 2,0 фоизга ошганини ва аксинча икки сменадагилар улушкининг 2,0 фоизга камайганини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин.


Саволномада ўқитувчиларнинг иш фаолияти қай тартибда ташкил этилгани, касбдошлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишлари учун яратилган имкониятлар ҳамда ўз малакаларини оширишлари учун нима ишлар қилаётганликлари ҳақидаги саволларга жавоб берилган.

Ушбу сўровнома ўқитувчиларнинг мактаблардаги фаолиятига холис баҳо бериш, улар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида таълим сиёсатини ишлаб чиқишида инобатга олиниши назарда тутилади. Шунингдек, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва мактаб раҳбарияти томонидан ўқитувчиларни рағбатлантириш жараёнларининг боғлиқлик даражаси тадқиқ этилган.

Хисобот-таҳлил икки қисмдан иборат. Биринчи қисм мактаб мухитига кириш ва ундаги асосий муаммоларни таснифлашга қаратилган (хисоботнинг иккинчи қисми учун ўрганилган йўналишлар З-иловада берилган).

Мазкур тадқиқот натижалари Ўзбекистонда таълим тизимини ҳар томонлама тасаввур этишга хизмат қиласди. Шу билан бирга, маълумотлар маълум бир масала бўйича ўз фикрларини акс эттирувчи респондентларнинг субъектив жавобларига асосланган ва бу жавобларни мутлақо объектив ҳолат деб баҳоламаслик ҳам муҳимдир.





**ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБ
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ
ИЖТИМОЙ-
ДЕМОГРАФИК ОБРАЗИ**

3.1. Ўзбекистондаги мактаб ўқитувчилари ва мактаб директорларининг жинси ва ёшлари

Тадқиқотда халқаро тажрибалар таҳлил этилган ва TALIS-2018 натижалари мамлакатимизда ўтказилган сўровнома натижалари билан солиштирилганда республикадаги умумий ўрта таълим мактабларида фаолият кўрсатаётган педагог-ходимлар орасида ўқитувчи аёллар улуши 68,5% (2020 йил сентябрь ҳолатига, Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида) бўлганлигини кўриш мумкин. TALIS-2018 тадқиқотининг иштирокчиси бўлган Латвияда кўпроқ 89% аёл ўқитувчилар борлиги маълум бўлди. Аёл ўқитувчиларнинг энг паст фоизи эса Японияда 42%, Саудия Арабистонида 52% ва Нидерландияда 53% эканлиги аниqlанди.




2021 йил TALIS халқаро тадқиқотлари талаблари асосида ўтказилган сўровномада мактаб директорларининг жами **349** нафаридан **152** нафарини яъни **43,5** фоизини аёл мактаб директорлари ташкил этди.

Сўровномада иштирок этган мактаб директорларининг ўртача ёши 50 ёшгача бўлган. Уларнинг энг катта ва кичик ёшлар кесими 30 ёшгача (15,4%) ва 60 ёшдан катта (4,2%) ёшлар орасида бўлиб, бу тадқиқотда иштирок этаётган барча мамлакатлардаги ўртача қўрсаткичга тўғри келади.

Тадқиқот натижаларига кўра, ўзбек ўқитувчиларининг ўртача ёши 30-39 ёш (40,0%) орасида бўлиб қолмоқда. Бироқ ёш ўқитувчилар нисбатининг аста-секин ўсиши ва катта ёш гурухини ифодаловчи ўқитувчилар сонида пасайиш тенденцияси мавжуд. Шундай қилиб, 30 ёшгача бўлган ўқитувчилар сони 19,1 фоизга, 40-49 ёшгача бўлган ўқитувчилар сони 24,8 фоизга ошиб борган бўлса, катта ёш гурухидаги 50-59 ёшгача бўлган ўқитувчилар сони 15,2 фоизга, 60 ёш ва ундан ортиқ ёшдаги ўқитувчиларнинг улуши 0,76 фоизгача камайиб борган.

4-жадвал. Тадқиқот сўровида иштирок этган респондентларнинг ёш гуруҳи бўйича қўрсаткичлари

№	Ёш кесимидаги фарқ	Директор	Директор ўринбосари	Ўқитувчи	Халқ таълими тизимининг бошқа ходимлари
1.	30 ёшгача	15,4%	10,3%	19,1%	32,8%
2.	30-39 ёшгача	26,6%	42,5%	40,14%	43,6%
3.	40-49 ёшгача	29,7%	28,9%	24,8%	15,5%
4.	50-59 ёшгача	23,7%	17,2%	15,2%	7,3%
5.	60 ёш ва ундан катта	4,2%	1,1%	0,76%	0,6%



2-кўрсаткич. Ўқитувчиларнинг ёш гуруҳи бўйича фоиз тақсимоти

3.2. Ўқитувчилик касби

Ўсиб келаётган ёш баркамол авлод, комил инсонни тарбиялаш ишига ўқитувчилар ва кенг жамоатчилик томонидан жиддий эътибор қаратиладиган масала эканлиги ҳаммага маълум.

Респондентларнинг 91 фоизи ўқитувчилик касбини танлашга ундовчи асосий, энг муҳим ва бош омил сифатида жамият тараққиётига ҳисса қўшиш имкониятини кўрсатишган.

Болалар ҳамда ёшлар келажагига ижобий таъсир қўрсатиш имконияти мавжудлиги бўйича берилган саволга респондентларнинг 88% мақбул жавоб беришган.

Бундан ташқари, респондентлар ўқитувчилик касбининг афзаликлари унинг камчиликларидан сезиларли даражада устун туради деган мулоҳазага жавоблар қуидагича бўлди: “бу фикрга тўлиқ қўшиламан” – 17,3%, “қўшиламан” – 36,97%, “бу фикрга мутлақо қўшилмайман” 25,2% ва “қўшилмайман” – 20,4%.

“Агар танлаш имконияти берилса, яна ўқитувчи бўлишга қарор қилас эдим”, деган жавобга қуидагича изоҳ қолдиришган: “бу фикрга тўлиқ қўшиламан” – 22,6%, “қўшиламан” – 34,6%, “бу фикрга мутлақо қўшилмайман” – 21,0%, “қўшилмайман” – 22,48%.

“Агар иложи бўлса, бошқа мактабга ишга ўтмоқчиман”, деган фикрга қуидаги жавобни беришган: “бу фикрга тўлиқ қўшиламан” – 21,79%, “қўшиламан” – 3,9%, “бу фикрга мутлақо қўшилмайман” – 7,2%, “қўшилмайман” – 10,68%.

“Ўқитувчи бўлганимдан афсусдаман”, деган фикрга: “бу фикрга тўлиқ қўшиламан” – 6,4%, “қўшиламан” – 12,5%, “бу фикрга мутлақо қўшилмайман” деганлар – 43,66%, “қўшилмайман” деганлар – 37,3% ни ташкил этган.

“Ўқитувчиликдан бошқа касбни танлаганимда яхшироқ натижага эришишинга қўзим етади”, деган фикрга: “тўлиқ қўшиламан” – 8,98%, “қўшиламан” – 22,2%, “бу фикрга мутлақо қўшилмайман” – 27,6%, “қўшилмайман” – 33,38% жавоб беришган.

“Мен ўз мактабимни яхши иш жойи сифатида тавсия қилган бўлар эдим”: “бу фикрга тўлиқ қўшиламан” – 21,58%, “қўшиламан” – 36,9%, “бу фикрга мутлақо қўшилмайман” – 19,0%, “қўшилмайман» деганлар – 22,4%ни ташкил этган.

**5-жадвал. Танлаган касбингизга нисбатан айтилган қуидаги
фикрларга ўз муносабатингизни билдиринг**


Савол	Жавоблар	Күшилмайман	Күшилпаман	Бу фикрга түлүк күшила- ман	Бу фикрга мултлако кү- шилмайман
Ўқитувчилик касбининг афзалликлари унинг камчиликларидан сезиларли дарајада устун туради	сони	2541	4602	2161	3140
	фоизда	20,4	36,97	17,3	25,2
Агар яна бир танлаш имконияти берилса, яна ўқитувчи бўлишга қарор қиласр эдим	сони	2799	4252	2771	2622
	фоизда	22,48	34,6	22,6	21,0
Агар иложи бўлса, бошқа мактабга ўтмоқчиман	сони	1330	485	2712	897
	фоизда	10,68	3,89	21,79	7,2
Ўқитувчи бўлганимдан афсусдаман	сони	4652	1560	797	5435
	фоизда	37,3	12,5	6,4	43,66
Ўқитувчиликдан бошқа касбни танлаганимда яхшироқ натижага эришишимга кўзим этади	сони	4218	2768	1118	3440
	фоизда	33,38	22,2	8,98	27,6
Мен ўз мактабимни яхши иш жойи сифатида тавсия қилган бўлар эдим	сони	2793	4595	2687	2369
	фоизда	22,4	36,9	21,58	19,0
Ўқитувчилик касби жамиятда қадрланади деб ўйлайман	сони	2649	4517	2776	2502
	фоизда	21,3	36,3	22,3	20,1
Мен ушбу мактабдаги фаолиятимдан мамнунман	сони	2348	4981	2973	2142
	фоизда	18,86	40	23,88	17,2
Менга ҳозирда ишлаётган мактабимда фаолият юритиш ёқади	сони	2361	4853	3058	2172
	фоизда	18,96	39	24,57	17,45
Умуман олганда мен ўз ишимдан кўнглим тўк	сони	2353	4766	3197	2128
	фоизда	18,9	38,3	25,7	17,1



“Менга ҳозир ишлаётган мактабимда фаолият юритиш ёқади”, деган фикрга: “тўлиқ қўшиламан” – 24,57%, “қўшиламан” – 39%, “бу фикрга мутлақо қўшилмайман” – 17,45%, “қўшилмайман” – 18,96% тарзида жавобларини қолдиришган.

“Умуман олганда мен ўз ишимдан қўнглим тўқ”, деган фикрга “тўлиқ қўшиламан” деб овоз берганлар – 25,7%, “қўшиламан” – 38,3%, “бу фикрга мутлақо қўшилмайман” – 17,1 % “қўшилмайман” – 18,9% ни ташкил этди.


Шунингдек, респондентлардан 30 ёшдан катта аёллар касб танлашда биринчи бўлиб, ўқитувчилик касбини танлаганлар (3-кўрсаткич). Сўровнома натижаларига кўра, узоқ муддатли педагогик иш стажига эга бўлганлар, ўқитувчи сифатида ўз ишларидан қўпроқ қониқиши ҳосил қилишини билдиришган.



3-кўрсаткич. Педагогика ўз фаолияти учун танлаган биринчи соҳа эканлигини кўрсатган ўқитувчиларнинг фоизи (жинси ва ёшига қараб)

Шуни таъкидлаш керакки, ўқитувчилик касбини биринчи маротаба танлаган кишилар юқорида айтиб ўтилган мотивларни камроқ қабул қиласидилар. Улар ўз танловини, бу ишнинг барқарорлиги, ишончлилиги ва хавфсизлиги билан ифодалайдилар, яъни улар касб танлаш масаласига янада прагматик ёндашувни намойиш этадилар.


Ўқитувчиларнинг жавобларига қараганда, улар ўз касбининг нуфузи туфайли ушбу соҳани танлашган – улар касбининг жамиятда қадрланишига ишонишади. 36% респондентлар ўқитувчилик касби жамиятда қадрли эканлигига ишонишса, 23 фоизи тўла ва қатъий ишонч билдиришган. Аксинча 21% сўровномада иштирок этганлар қарама-қарши фикр билдириб, 20% респондентларда бутунлай ва қатъий ишонч билан қадрсиз касб деган тескари ёндашув аниқланди (45 ёшдан ошган респондентлар орасида салбий баҳолаш устун туради). Аксинча, PISA тадқиқотларининг етакчиларидан бўлган Сингапурнинг аксарият ўқитувчилари, ўқитувчилик касбининг жамиятда қадрли эканлигига ишонишади (4-кўрсаткич).



4-кўрсаткич. Ўқитувчилик касбининг жамиятда қадрланишига рози бўлган ёки рози бўлмаган ўқитувчилар фоизи

3.3. Ўзбекистонда мактаб ўқитувчиларининг малака ошириши ва касбий тайёргарлиги

Ўқитувчиларнинг фикрича, уларнинг аксарияти (77%) мактабда ишлаш имконини берувчи олий маълумотли мутахассис ва бакалавр, олтитадан биттаси эса магистр академик даражасига эга. TALIS-2018 тадқиқотида иштирок этган мамлакатларда бу кўрсаткичлар мос равишда 41% (магистратура) ва 51% (бакалавриат)га тенг (5-кўрсаткич). Фақатгина 3%га яқин ўзбекистонлик ўқитувчилар ўз педагогик фаолияти ёки олий таълим даврида малака ошириш ва замонавий (профессионал) таълим олиш мақсадида чет элда бўлишган.



**5-кўрсаткич. Сўровномада иштирок этганлар орасида мавжуд
расмий таълимнинг энг юқори даражаси (фоизда).**

**6-жадвал. Сўровномада иштирок этганларнинг маълумоти
бўйича кўрсаткичи.**

№	Маълумоти	Директор-лар		Директор ўринбосарлари		Ўқитувчилар		Бошқа (халқ таълими тизимида бошқа лавозимлар)		Жами	
		Сони	Фоизда	Сони	Фоизда	Сони	Фоизда	Сони	Фоизда	Сони	Фоизда
1	Бакалавр	223	63,9%	858	78,7%	8345	79,1%	248	53,6%	9674	77,7%
2	Магистр	94	26,9%	206	18,9%	1557	14,9%	52	11,3%	1909	15,4%
3	Докторантурा	9	2,6%	4	0,4%	16	0,15%	1	0,2%	30	0,2%
4	Ўрта махсус таълим	23	6,6%	22	2%	626	5,9%	162	34,9%	833	6,7%
	Жами	349	100%	1090	100%	10544	100%	463	100%	12446	100%

Ўқитувчилар 94-99% ҳолларда ўз касбий тайёргарлик дастурларида ўқитиладиган фанлар, ўқитиш методлари, умумий педагогика ва педагогик амалиётнинг мазмун соҳасини ўз ичига олганлигини таъкидлайдилар. Шу билан бирга респондентларнинг жавоблари асосида машғулотларда амалиёт улушининг бироз пасайланлигини қайд этиш мумкин.


Тадқиқот давомида ўқитувчилар малака ошириш мазмунини баҳоладилар. Сўнгги 1 йилда малака ошириш мазмуни ўзгарганлиги ва ихтинослашганини 80% респондент тасдиқлаган. Малака ошириш таълим мазмунида қуйидаги элементлар ҳисобга олинганлигини қайд этганлар: ўқувчиларнинг хулқ-атворини бошқариш усуслари (82%), ўқувчиларнинг қобилиятларини баҳолаш (73%), ижодкорлик, танқидий фикрлаш (71%) каби кўникмаларни ўргатиш. Ўқитувчиларнинг учдан бир қисми малака оширишнинг бир қисми сифатида «кўп маданиятли ва кўп тилли муҳитда ўқитиш» хусусиятлари билан шуғулланганлиги ҳақида маълумот қолдиришган, зеро бу кўрсаткич TALIS-2018 кўрсаткичларидан бироз юқори яъни ўртача 39% га етади. Шунингдек, бошланғич синф ўқитувчиларининг ҳар учинчиси ўқувчиларни мактабгача таълимдан бошланғич таълимга (35%) ўтишга ёрдам бериш бўйича машғулот-дастурларини ўзлаштирганини таъкидлайди.



6-кўрсаткич. Ушбу йўналишларнинг таълим ва тарбия дастурига киритилганигини билдирган ўқитувчиларнинг фоизи

Шунингдек, ўзбекистонлик ўқитувчиларнинг иш тажрибалари бўйича ҳам таҳлил амалга оширилди. Сўров натижаларига кўра, маҳаллий ўқитувчининг ўртача иш тажрибаси 20 йил бўлиб, бу TALIS тадқиқотининг ўртача кўрсаткичидан 5 йилга кўп. Шуни таъкидлаш керакки, ўқитувчилар ўз касбида қанчалик узоқ ишласа, улар ўз ишларидан шунча кўп қониқиши ҳосил қилишларини маълум қилишган. Умуман олганда, TALIS тадқиқотида иштирок этаётган барча мамлакатларда ўқитувчилар ўз ишларидан қониқиши ҳосил қилишлари аниқланган (7-кўрсаткич). Ўзбекистонлик ўқитувчилар ҳам сўровнома натижаларига кўра, “Мен ушбу мактабдаги фаолиятимдан мамнунман деганлар” 63,88% ни ташкил қилиб, 36,12% респондентлар “Бу фикрга қўшилмайман” деган фикрни белгилашган. Аммо сўровнома натижаларига таянадиган бўлсақ, ўз мактабини ўзгартирмоқчи бўлган

Ўқитувчиларнинг энг паст нисбатларидан бири Ўзбекистонда қайд этилган. Умуман, ўтказилган сўровдан кўриш мумкинки, ўзбекистонлик ўқитувчилар ўз соҳаларини юқори баҳолайдилар, шунингдек, ўз касбини ўзгартириш истагида бўлганлар нисбатан паст даражада эканлиги билан алоҳида ажралиб туради (Ўзбекистонда 12%, TALIS-2018 га кўра 21%, Сингапурда 39%). “Агар яна бир танлаш имконияти берилса, яна ўқитувчи бўлишга қарор қиласр эдим”, деган саволга 67,2% тадқиқот иштироқчилари ижобий маълумот қолдиргани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Респондентларга “Ўқитувчи бўлганингиздан афсусдамисиз” деган саволга – 6% “Тўлиқ қўшиламан”, 12% “Афсусдаман”, “Бу фикрга мутлақо қўшилмайман” деганлар 44% ва 38% “Йўқ қўшилмайман” деб жавоб қолдиришган.




7-кўрсаткич. Тавсия этилган баёнотлар билан келишилган ўқитувчилар фоизи

Респондентлардан агар “Имкони бўлганда, бошқа мактабга ўтмоқчиман” деб маълумот қолдирганлар ўртача 12% ташкил қиласди. “Менга ҳозирда ишлаётган мактабимда фаолият юритиш ёқади” деб 64% ўз фикрини билдириган бўлса, бу фикрга 36% “Кўшилмайман” тарзида жавобларини қолдиришган. “Мен ўз мактабимни яхши иш жойи сифатида тавсия қиласр бўлар эдим” – 59%, “Буни тавсия қилмасдим” деганлар 41% ташкил этган. “Умуман олганда мен ўз ишимдан қўнглим тўқ ва қониқаман” деган фирмни танлаган ўқитувчилар 90%ни ташкил этган.




TALIS тадқиқотида иштирок этадиган мамлакатларнинг ўртача 56%да ёш ўқитувчини касбга ўргатиш бўйича расмий дастур жорий этилган. Касбга кириш дастурида – мактаб жамоаси ва касбий фаолиятида янги ўқитувчиларнинг мослашиши ёки мактабда биринчи марта муайян фаолиятини бошлаган ўқитувчиларга мактабдаги тажрибали ўқитувчилар томонидан қўллаб-куватлашга қаратилган қатор фаолиятлар масалалари киритилган. Бу фаолият расмийлаштирилган шаклда тақдим этилиши ёки алоҳида тадбирлар шаклида норасмий ташкил этилиши ҳам мумкин. Беш йилдан ортиқ тажрибага эга бўлган ўқитувчилар камроқ тажрибали ҳамкасбларига қараганда касбга киришнинг расмий ва норасмий дастурларини ўташ бўйича кўпроқ фикр юритишади. Аммо, барча ўқитувчиларнинг учдан икки қисми биринчи марта ўқитувчи сифатида иш бошлашганида ишлаётган мактабда касбга кириш дастуридан ўтмаганлигини таъкидлашган. Халқаро PISA-2015 тадқиқоти натижаларига кўра, Сингапурда тескари ҳолат кузатилган: ёш ўқитувчилар айниқса, мактабларга ишга жойлашиш олдидан, касбга қўнишка ҳосил қилиш бўйича кўплаб дастурларда иштирок этишгани маълум бўлган.



8-кўрсаткич. Ўқитувчи сифатида биринчи марта иш бошлаганларида мактабда касбга кириш дастурида иштирок этган ўқитувчилар фоизи

Тадқиқотимизда иштирок этган мактаб директорларини 9,1 фоизи ўз мактабларида устоз-шогирд анъанаси бўйича, касбга кириш дастури жорий этилмаганини тан олишган. Сингапурда мактаб директорлари ўзлари раҳбарлик қилаётган мактабларда ёш ўқитувчилар учун касбга кириш бўйича расмий ва норасмий дастурлар мавжуд эканлигини маълум қилишган. Умуман олганда, касбга кириш дастурини жорий этиш бўйича ўқитувчилар ва мактаб директорларининг сўровнома маълумотлари бир-биридан жуда фарқ қиласди: оддий ўқитувчиларга нисбатан мактаб директорлари мактабларда ўқитувчилик касбига кириш ўқув дастурининг жорий этилиши кенг тарқалган дейишади (9-кўрсаткичга қаранг). Бу хулоса нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа мамлакатларда, шу жумладан, PISA халқаро тадқиқот-ўрганишлари ўтказилган мамлакатларнинг аксарият мактаб директорларига хос бўлган натижа деб баҳолаш мумкин.



**9-кўрсаткич. Ўқитувчилик касбига кириш дастурига киритилган фаолият турлари
(ўқитувчилар ва мактаб директорларининг жавоблари асосида, фоизда)**

Тадқиқот вақтида мактабларда касбга кириш амалиётидан ўтган ўқитувчилар кўпинча бошқа янги ишга келган ўқитувчилар билан



ҳамкорлик қилишни (89%), директор ёки тажрибали ўқитувчилар билан режалаштирилган учрашувларда (90%), устоз-мураббий раҳбарлигига ишлашга (87%), кундузги курсларга вақт ажратишни (88%) мақбул қўришлари аниқланган. Мазкур тадбирларнинг Ўзбекистонда татбиғи TALIS тадқиқотида иштирок этадиган мамлакатларнинг ўртача кўрсаткичидан юқорилиги маълум бўлмоқда. Ушбу мақсадлар учун энг кам ишлатиладиган учрашув услуби, бу онлайн тадбирлар (масалан, 32% виртуаль алоқалар) ва ўқитувчиларнинг ўқув юкламасини камайтириш (21%) деб ҳисоблашадилар.

Тадқиқот шуни кўрсатадики, касбга киришнинг расмий ёки норасмий дастурини бажарган ўқитувчилар ўз қобилияти ва малакаларида ўсиш бўлганига ишонадилар ҳамда айнан улар орасида ўз танлаган касбларидан қониқиши ортгани аниқланган.

Касбий малакаларидан ташқари, таълим ташкилотида самарали ишлаш учун ўқитувчи мактабнинг ўзига хос таълим мухитига мослашиши керак. Хусусан, “Устоз-шогирд” институтини ривожлантириш, шу билан бир қаторда, “Устоз-шогирд” амалиёти орқали ёш ўқитувчиларни шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистондаги мактаб директорлари бошқа мамлакатлардаги мактаб раҳбарларига нисбатан “Устоз-шогирд” институтининг аҳамиятини юқори даражада баҳолайдилар ва бу институт ўқитувчиларнинг педагогик малакаси (компетентлиги) ни ошириш учун ҳам энг муҳим деб ҳисобладилар (Ўзбекистон мактаб директорлари – 90,9%; TALIS-2018нинг ўртача кўрсаткичи – 71%).

Шундай қилиб, таълим жараёнида кам тажрибали ўқитувчиларни қўллаб-кувватлаш долзарб масала ҳисобланади (Ўзбекистон мактаб директорлари – 88%; TALISнинг ўртача кўрсаткичи – 78%). Тадқиқотларда иштирок этаётган мамлакатларнинг ўртача, ҳар учинчи директори ҳозирда ўқитувчилар учун ўз мактабида “устоз-шогирд” дастурининг мавжуд эмаслигини тан олишса, Ўзбекистонда эса 90,9% директорлар бундай дастурнинг мавжудлигини айтишган. Бироқ, ўқитувчиларнинг ўзлари “Устоз-шогирд” амалиёти борлигини директорларга нисбатан кам қайд этишгани ҳам эътибор берилиши лозим жихат ҳисобланади.

**7-жадвал. “Ҳозирги вақтда устоз-шогирд анъанаси бўйича
устозингиз ёки шогирдингиз борми?” деган, саволга
билдирилган муносабат**

№		Ўқитувчи		Директор		Директор ўринбосари		ХТТБ		жами	
		сони	фоиз- да	сони	фоиз- да	сони	фоиз- да	сони	фоиз- да	сони	фоиз- да
1	Ҳа, менга устоз тайинланган	3781	35,8	84	24%	271	24,8%	196	42,4%	4332	35%
2	Мен ўзим устозлик қиласман, менга ёш ўқитувчи биритирилган	5104	48,5	233	66,9%	712	65,4%	183	39,5%	6232	50,0%
3	Мактабда бундай анъаналар шаклланмаган	1659	15,7	32	9,1%	107	9,8%	84	18,1%	1882	15%
Жами		10544	100%	349	100%	1090	100%	463	100%	12446	100%

Ўқитувчилар фикрига қўра, уларнинг 48,5% ҳамкаслари учун устоз-шогирд анъанаси бўйича мураббий этиб тайинланганини, бироқ атиги 35,8 фоизи устози борлигини маълум қилган. Шундай қилиб, ўзларини устоз деб ҳисоблаганларнинг улуши, ўзларининг устозлари борлигини маълум қилганлар улушидан ошиб кетади. “Мен ўзим устозлик қиласман, менга ёш ўқитувчи биритирилган” деб тадқиқот сўровида иштирок этганларнинг 6232 нафари (50%) маълумот беришган, шундан, ўқитувчилар 5104 нафар (48,5%), директорлар 233 нафар (66,9%), директор ўринбосарлари 712 нафар (65,4%), халқ таълими тизимининг бошқа ходимларидан 183 нафари (39,5%) ижобий фикр билдирган. “Ҳа, менга устоз тайинланган” деб сўровда иштирок этганларнинг 4332 нафари (35%) жавоб беришган бўлса, шундан, ўқитувчилар 3781 нафари (35,8%), директорлар 84 нафар (24%), директор ўринбосарлари 271 нафар (24,8%), халқ таълими тизимининг бошқа ходимларидан 196 нафари (42,4%) ўз фикрларини қолдиришган. “Ҳозирги вақтда устоз-шогирд анъанаси бўйича



устозингиз ёки шогирдингиз борми?” деган саволга, аксинча, “мактабда бундай анъаналар шаклланмаган” деб ўз эътирозини билдирганларнинг умумий сони 1882 нафар бўлиб, шундан ўқитувчилар 1659 нафар (15,7%), директорлар 32 нафар (9,1%), директор ўринбосарлари 107 нафар (9,8%), халқ таълими тизимининг бошқа ходимларидан 84 нафари (18,1%) ташкил этиши мактаблар учун салбий ҳолат деб баҳолаш мумкин.

Ўқитувчилар нега малака ошириши керак?

Келинг, бу саволга саволлар орқали жавоб топишга ҳаракат қилиб кўрамиз. Ота-она – “Фарзандимни қайси малакали устозга берсам экан?”, Директор – “Қайси малакали кадрларни ишга жалб қиласам экан?”, Давлат – “Жамиятимиз тараққиёти учун қайси касбдаги инсонларнинг малакаларини оширишга эътибор қаратишимиш керак?” деган саволлар бугунги куннинг энг долзарб масаласи ҳисобланади.

Кўриб турганингиздек, ҳамма учун малакали кадрлар ниҳоятда зарур. Қанчалик ажойиб дарсликлар, синф хоналари, юқори маош бўлмасин, агар ўқитувчи-устозда дарс ўтиш методлари мутахассислиги бўйича билимлари етарли даражада бўлмаса, таълим сифати ҳам ўз-ўзидан пастлигича қолаверади.

Малака ошириш тизими ўзбекистонлик ўқитувчилар учун мунтазам тадбирлардан бири ҳисобланади. Сўровномада иштирок этган деярли 98% ўқитувчи 12 ой давомида жинси, ёши ва иш тажрибаси, мактаб тури ва унинг жойлашувидан қатъий назар, у ёки бу кўринишда ўз малакасини оширгани маълум бўлди. Ўқитувчилар ўртacha олти турдаги³ йўналиш бўйича ўз устларида ишлашлари маълум бўлди. Шу билан бирга, ўртacha тажрибаси беш йилдан ортиқ бўлган ўқитувчилар ўзларидан кам тажрибали ҳамкасларига нисбатан кўпроқ малака оширишнинг бирор турини танлашни маъкул кўради, шу билан бирга, ўртacha беш йилдан ортиқ тажрибага эга ўқитувчилар малакасини оширишнинг бир турини афзал билишса, камроқ тажрибали ҳамкаслари уларга қараганда, касбий ривожланишнинг кўпроқ яъни тез-тез малака оширишнинг турли шаклларида иштирок этишликтин афзал деб билишадилар.

³ Сўровномада 10 турдаги фаолият рўйхати берилган.

Тадқиқот натижалариға қўра, “Сўнгги 12 ой ичидаги, иш жойингизда ёки туманингизда касбий малакангизни оширишга бағишиланган бирор дастур ёки тадбир уюштирилганми ва унда сиз қатнашганмисиз?” деган саволга респондентларнинг қуйидаги тарздаги жавоблари таҳлил қилинди. Саволномада жами иштирок этганларнинг “Ҳа, доим қатнашганман” деб 7732 нафари (62,1%), “Ҳа, қатнашиб тураман” деб 2561 нафари (20,5%), “Йўқ, уюштирилмаган” деб 2151 нафари (17,2%) ўз фикрларини қолдиришган.

Ўзбекистонлик ўқитувчилар орасида малака оширишнинг энг мақбул усули мутахассислик (профессионал) адабиётларни ўқиш экани маълум бўлди: тадқиқотларга асосан 91% ўзбекистонлик ўқитувчилар ушбу холосага келишган (аксинча барча TALIS тадқиқоти иштирокчи мамлакатларида бу кўрсаткич 71%). Бундан ташқари қундузги курслар ва семинарлар ҳам машхур ҳисобланади (TALIS тадқиқоти ўртача кўрсаткичи 76% га тескари 85%) ва ўзаро дарсларга кириш яъни ўзини-ўзи назорат ва/ёки мактаб базасида ташкил этилган расмий малака ошириш дастурлари асосида ўз дарсларига ҳамкасбларини таклиф этиш амалиёти ҳам кенг тарқалган (TALIS тадқиқотининг ўртача 49 фоизга нисбатан 76%).

Халқ таълими вазирлиги маълумотларига асосан 2020-2021 ўқув иилида халқтаълими тизимидағи умумий ўрта таълим мактабларида барча ўқитиши тиллари бўйича бошланғич синфлар яъни 1-4 синфларда 97659 нафар, 5-11 синфларда 146738 нафар, жами 1-11 синфларга 244397 нафар (48,7%) синф раҳбар-мураббий сифатида бириктирилган. Ўзбекистонда ўқитувчиларнинг 76 фоизи синф раҳбарлигидан ташқари (Вьетнам 59%, Корея 76%, Финландия 14% ва АҚШ 55%) ҳамкасблари билан ҳамкорликда таълим бериш ва устоз-шогирд анъанаси асосида, мураббийлик билан шуғулланадилар. OECD тадқиқотлари мамлакатларидаги ўқитувчиларнинг таъкидлашича, таълимга ҳамкорликда ёндашув тамойилига асосланган малака ошириш ва касбий ривожланиш улар учун энг самарали ҳисобланади.



10-кўрсаткич. Ўтган 12 ой мобайнида малака оширишда иштирок этган ўқитувчиларнинг фоизи

Синф хонасида иштиёқ ва ўзига ишонч билан дарс ўтаётган ўқитувчи ҳар қандай шароитда ҳам боланинг қалбига йўл топади. Уларни илм олиш чўққилари томон юксак парвозларга чорлайди. Дарсларнинг қизиқарли бўлиши, ўкувчиларининг севимли устози бўлиш эса ўқитувчидан ҳам ўз малакаси устида доимий ишлашни талаб этади.

Ўзбекистондаги ўқитувчи ва мактаб директорлари орасида ишдан ажралмаган ҳолда малака ошириш тизими йўлга қўйилган бўлиб, бу одатий ҳол ҳисобланиб бормоқда. Вьетнамда 96%, Финландияда 93%, АҚШ ва Кореяда 98% ўқитувчилар, OECDда ўртача 94% ва OECD ўртача директорларнинг 99% фоизи йил давомида камида бир маротаба малака оширганлар.

Хозирги кунда, А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институти жамоаси ҳам айнан мана шундай эзгу мақсад йўлида меҳнат қилмоқда.

Институт раҳбарияти ва жамоаси томонидан янгича, ўзига хос “Узлуксиз касбий таълим” (onlinedu.uz) платформаси 2021 йил март ойидан ишга туширилди ва тизимдаги раҳбар ва педагог ходимларнинг эҳтиёжлари

асосида малака оширишнинг замонавий шакли яратилди. Ушбу платформа таълим фидойилари учун бир қанча қулайликларни ва имкониятларни, жумладан, турли хил йўналишдаги ихтисослашган курсларни таклиф этади.

Куннинг исталган пайти, ойнинг исталган куни, йилнинг исталган ойида исталган жойингиздан бу онлайн платформа орқали ўз билим ва малакангизни оширишингиз мумкин бўлади.

Малака ошириш тизимини тубдан ўзгартириш, такомиллаштириш бўйича, малака ошириш тизимини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимига трансформация қилинишида тингловчилар фикрини ўрганиш мақсадида, илмий-тадқиқот институти сўровнома ўтказди. Сўровноманинг дастлабки кўрсатгичи 1381 нафар тингловчи, яъни 90,8 % ўзбек тили ва 9,2 % рус тилида иштирок этганини кўрсатмоқда. Шундан 84 % ўқитувчилар, 9,4 фоизи муассаса раҳбарлари, 3,1 % методист ва 3,5 % бошқа соҳа вакиллари иштирок этди.

Сўровнома саволларига белгиланган жавобларни кетма-кетликда таҳлил қиласиган бўлсак, биринчи саволда 98 % иштирокчилар, яъни 86% ўқитувчи, 9% муассаса раҳбари ва 3% методист малака ошириш тизимини тубдан ўзгартирилиши, инновациялар киритилишини қўллаб-қувватлаган.

3-5 йилда бир маротаба малака ошириш ўрнига доимий касбий ривожланиш имкониятини 86% иштирокчи қўллаб-қувватлашган (шундан 74% ўқитувчи, 9% раҳбарлар ва 3% методистлар).

Навбатдаги масала ўқитувчилар аттестацияси жараёнларини малака ошириш билан уйғулаштирилишини 83% иштирокчилар маъқуллаган. Шундан 71% ўқитувчи, 9% раҳбарлар ва 3% методистлар ташкил этади.

Сўровномадаги тўртинчи савол вариантларини таҳлил қиласиган бўлсак, иштирокчиларнинг 45 фоизи, яъни 39,2% ўқитувчи, 4,4% раҳбар ва 1,4 % методистлар анаънавий 1 ойлик малака оширишда асосий муаммо сифатида молиявий харажатларни ҳамда иш фаолиятидаги узилиш вариантини кўрсатишган.

Бешинчи савол вариантларида анъанавий малака оширишдаги турли хил эҳтиёжлар учун сарфланган харажатлар суммасига 18 фоизи 1,5 млн дан 2 млн.гача вариантини белгилашган. (14,8% ўқитувчи 2,3 раҳбарлар ва 0,9 методистлар). Ва бу саволда “жавоб қўшиш” вариантида 4 млн.гача сарф харажат кетишини киритган тингловчилар ҳам мавжуд.



Олтинчи савол малака ошириш курсларидағи таърифларни танлашда иштирокчиларнинг жами 38,2 фоизи 100% анъанавий курсларни маъқул кўрган. Шундан 33,3% ўқитувчи, 3,3% раҳбарлар ва 1,4% методистлар. 100% онлайн имкониятини АҚТга мойиллигига қўра 32,4% иштирокчи маъқуллаган.

Охирги савол-жавобга қўра малака оширишнинг замонавий шаклларига 34% иштирокчи анъанавий ва онлайн уйғунлашган таълим ("blended-learning") шаклни маъқул кўришган. Шундан 29,5% ўқитувчи, 3,3% раҳбарлар ва 1,25 методистлар. Шу саволга мақсадли индивидуалликка йўналтирилган онлайн таълим ("personal learning space") га 30 % иштирокчи овоз беришган.

Шундан келиб чиқиб, TALIS-2018 тадқиқоти асосида ўтказилган сўровнома давомида респондентларга, "12 ой ичидаги 1 марта касбий малака даражангизни синаш бўйича тадбир ўтказилса, қатнашармидингиз?" деган саволга, "Керак албатта" деб жавоб берганлар 8639 нафар (69,5%), "Зарурат йўқ" деб ҳисоблайдиганлар 2134 нафарни (17,1%), "Бунинг самараси бўлишига ишонмайман" деб 1673 нафари (13,4%) фикр билдирганлар.

Ўзбекистондаги ўқитувчиларнинг 88 фоизи (Корея 87%, Вьетнам 83%, Финландия 79% ва АҚШ 89%) охирги йилдаги малака ошириш уларга ижобий таъсир кўрсатганлигини билдирган.

Респондентларнинг фикрича, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш дастурлари энг аввало асосий фан бўйича компетенцияларни ривожлантиришга (89%), ўқитиши методларини такомиллаштиришга (89%), ўкув дастури мазмуни ва ўқувчиларни баҳолаш амалиёти бўйича билимларни оширишга (83%, мос равиша) қаратилган дейилади. Кам ҳолларда эса, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш дастурлари мактабда бошқариш ва маъмурий (административ) мавзуларни (28%) ўз ичига олади, бошқа мамлакатлар ва турли маданият вакиллари билан алоқани тиклайди (26%) ва кўп маданиятли ёки кўп тилли муҳитда ўқитиши (24%)ни ўргатади, деб маълум қилганлар.

Шуни таъкидлаш керакки, TALIS-2018 тадқиқотларида иштирок этган мамлакатларнинг олдинги циклдагиларга нисбатан, кўп тилли ва турли маданиятли муҳитда ўқитиши мавзуси ҳақида ўқитувчилар сўровларнинг 12 пунктида ва имконияти чекланган, ногирон мактаб ўқувчилари учун ўкув

дастури бўйича сўровларнинг 25 пунктида касбий малака ошириш таълим дастурларидан ўтганлиги тўғрисида маълумот қолдиришган ва ушбу кўрсаткич даражаси 55% га етган.

Ўзбекистонлик ўқитувчилар тадқиқот ишида иштирок этган бошқа мамлакатлар ўқитувчиларига нисбатан, ўзларининг қўп маданиятли мухитда дарс ўтиш қобилиятларини юқори баҳолайдилар. Мисол учун, улардан 83% (TALIS-2018 кўрсаткичи – 68%) “кўп миллатли ёки/ва қўп маданиятли синфларда ишлаш қийинчиликларини етарли даражада ёки жуда яхши ҳал эта оламан” деб ҳисоблайдилар, уларнинг 78 фоизи (TALIS-2018 кўрсаткичи – 59%) “иктисодий, ижтимоий, маданий ва этник келиб чиқиши турли бўлган, ҳар хил тоифадаги ўқувчиларга дарс беришга мослаша олишим мумкин”, деб ишонишади.

Ўтган 12 ой давомида малака ошириш тадбирларида иштирок этган ўқитувчиларнинг аксарияти (88%) ўзларининг ўқитувчилик касб амалиётига ижобий таъсир кўрсатди, деган маълумотни беришди. 95 фоизи билимлари ошганини, 92 фоизи ўз синфларида янги ғоялар ва билимларни қўллашга тайёрлигини билдиришди.


Малака ошириш курсларида иштирок этиши муносабати билан охирги йиллар давомида 57% ўқитувчилар иш вақтларида ўтказиладиган ҳар қандай тадбирларда қатнашишдан озод этилган.

Ўқитувчилар тез-тез ва мунтазам малакасини ошириш билан бир вақтда, ўзининг фан ва метапредметлар йўналишлари бўйича услубий компетентлигини (масалан, креативлик, танқидий ва ижодий креативлик фикрлаш) ривожлантириш ва бу соҳада уларни расмий тайёрлаш мазмуни мавжудлигига қарамай, асосий фани бўйича билим соҳасини ривожлантириш учун юқори эҳтиёж мавжуд деб ҳисоблайди.

Имконияти чекланган мактаб ўқувчилари таълимига ўзини бағишлигаран ўқитувчиларнинг малака ошириш ва касбий тайёргарлиги дастурлари мавжуд бўлишига қарамай, 15% ўқитувчиларнинг ҳали бу йўналишда малака оширишга бўлган жуда юқори эҳтиёжи борлигини аниқланган. Бошқа мамлакатларда бу эҳтиёжга ўқитувчилар томонидан қўпроқ эътибор берилади (TALIS-2018 бўйича ўртacha - 24%). Бу масалага 30 ёшгача бўлган ўқитувчилар ва ўқитувчи сифатида 5 йилдан кам тажрибага эга бўлганлар қўпроқ эътибор қаратмоқда.

3.4. Ўзбекистонда мактаб директорларининг малака ошириши ва касбий тайёргарлиги


Ўзбекистон мактаб директорларининг маълумотларига қўра, уларнинг 64 фоизи маълум бир мутахассислик бакалавр бўйича ёки 27 фоизи магистратурани тамомлаган (TALIS-2018 тадқиқот ўрганишининг ўртача кўрсаткичи бакалавр 35%, магистратура 57%), уларнинг 2 фоизи эса олий малакали кадрлар ҳисобланишади. Тадқиқотга қўра, маҳаллий мактаб раҳбарларининг ўзига хос хусусиятлари шундаки, улар директорлавозимига тайинланганидан сўнг бир неча вақт ишлаганларидан кейин мактаб раҳбарини тайёрлаш дастури ёки курсни ўтганликларини ва фақатгина 19% ҳолатда ундан олдин ўтишгани маълум бўлди. Шунингдек, мактаб директорлари 1,5 - 2 мартадан доимий равишда, уларни директорликка тайинлашдан олдин ҳам кейин ҳам таълим тизими ва ўқувчилар билимини такомиллаштириш бўйича малака ошириш курсларидан ўтишган.



11-кўрсаткич. Мактаб директорлари орасида мавжуд расмий таълим даражаси (фоизда)



Кўпроқ, яъни 90% маҳаллий директорлар 1 та олий маълумотга эга ҳисобланишади. Ўзбекистонлик директорларнинг 100 фоизи “ўз вақтида малака ошириш курси ва тадбирларида иштирок этиб келмоқдамиз” деб хабар қолдиришган бўлса, уларнинг 97 фоизи ўтган 12 ой мобайнида профессионал ва мутахассислик адабиётларни ўқиш билан шуғулланишганини, 96% ҳамкасларининг ўзаро дарсларига кириб, кузатишгани ва/ёки ўз-ўзини ўрганиш ҳамда назорат олиб боришганини, профессионал маслаҳатлар беришганини ёки олишганини айтишган. Мактаб раҳбарларининг 81 фоизи ўз малакасини ошириш мақсадида шакллантирилган директорлар жамоасида иштирок этишларини айтишади. Улар етакчилик бўйича курслар ва семинарларда (35%), маҳсус мақсадли малака дастурларида кам иштирок этишларини (мисол учун, илмий даража олиш дастурларида 8% қатнашган) маълум қилишган, TALIS тадқиқотларида иштирок этган барча мамлакатларда малака оширишнинг бундай турлари Ўзбекистонга нисбатан ўртача икки мартадан ортиқ амалга оширилади (12-кўрсаткич).



12-кўрсаткич. Ўтган 12 ой мобайнида малака ошириш ва касбий ривожланишнинг айрим турларида иштирок этган мактаб директорларининг фоизи

Директорлар молиявий бошқарувда (43%, бу TALIS ўртача кўрсаткичидан бир ярим баробар қўп), шунингдек, инсон ресурсларини (персонални) бошқаришда (30%) ва тескари алоқа билан таъминлаш(28%) соҳаларида малака оширишга эҳтиёжлари борлиги ҳақида маълумотлар қолдиришган. Маълумотурнида, Тескари алоқа – бу аниқҳаракатлар, вазиятлар ва мақсадга эришишга олиб келадиган саволлар ҳақида изоҳ бериш ва қабул қилиш жараёнидир. Тескари алоқа ўзаро ҳурмат, хайриҳоҳлик муҳитида амалга оширилса, таълимнинг муваффақиятини таъминлайди ва ўқувчиларнинг тўғри жавобларни тайёрлаш ва хатоларини тўғрилаш учун вақт беради. Ўзбек мактабларининг ҳар тўртинчи раҳбари ўқитувчилар ўртасида, малака оширишдаги профессионал ҳамкорликни ривожлантириш учун кучли эҳтиёжни сезишади (13-кўрсаткич). Уларнинг фикрича, айниқса, катта шаҳарларда жойлашган мактабларда чет ҳудудлардан келган ўқувчилар кўплиги айтилган.




13-кўрсаткич. Ўтган 12 ой мобайнида малака ошириш ва касбий ривожланишнинг айрим турларида иштирок этган мактаб директорларининг фоизи

Сўровномада иштирок этган мактаб директорлари раҳбарлик лавозимида ўртача 11 йилдан бери, аксарият ҳолларда ўзи таҳсил олган мактабда ишлаб келаётганини маълум қилишган. Бу эса, TALIS тадқиқотида иштирок этаётган бошқа давлатларга нисбатан узоқроқ вақт ҳисобланади. Шу билан бирга, мактаб директорининг ўқитувчи сифатидаги иш стажи ўртача 22 йиллик тажрибани ўз ичига олган.



4

ЎЗБЕКИСТОНДА
ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МАКТАБ
ДИРЕКТОРЛАРИНИНГ
МЕҲНАТ ФАОЛИЯТЛАРИ



4.1. Ўқитувчилик фаолияти


Маҳаллий ўқитувчиларнинг аксарияти (75%) синфда қоидаларга амал қилиш ва уни назорат қилиш қобилиятига ишончлари комил эканликларини билдиришади. Ўқувчилар дарс давомида тушунишда қийинчиликларга дуч келсалар, 73% ўқитувчи янги материални ўқитишнинг муқобил усулини қўллай олишларига ҳам ишонадилар. 44% ўқитувчилар дарсларида ўзлаштириши паст ўқувчиларни рағбатлантириш (мотивация) билан шуғулланишга, дарсга қизиқтиришга ундашига ишонади (уларнинг 55 фоизи ўз қобилияти ва кучига шубҳа билдирса, 1 фоизи бу ишларга бутунлай қодир эмаслигини тан олишган). Синфда агрессив ёки тартиббузарликни бошқариш имкониятига эга эканликларини билдиришган (ўз навбатида 51% ва 1%). 51% ўқитувчилар рақамли технологиялардан (компьютерлар, планшетлар, электрон доскалар) фойдаланиб дарс ўтишни қўллаб-қувватлашган ёки 3 фоизи улар ёрдамида ўқувчиларга дарс ўта олмасликларини тан олишган.

Ёш ўқитувчилар қўпроқ тажрибали ҳамкасбларига нисбатан ўз қобилиятларига камроқ ишонч билдиришлари маълум бўлди (14-кўрсаткич).

Ўқитувчиларнинг ёши ва тажрибасига қараб, таклиф этилаётган соҳаларда ўз қобилиятларига бўлган ишончини таҳлил қилгандা, ёш ўқитувчилар, тажрибали ўқитувчиларга нисбатан, ўқувчиларга мактабда



яхши ўқишига ишонч ва рағбат ҳиссини уйғотишга ёрдам беришида ўзларига камроқ ишонч билдиришган (56% нисбатан 61%), таълимни қадрлашга ўргатишда (44% нисбатан 52%), ўқувчилар учун мос саволлар тайёрлаш (61% нисбатан 70%), синфда тартиббузарлик хатти-харакатларини бошқариш (42% нисбатан 51%), ўқишига қизиқиши пастлигини намойиш этган ўқувчиларни рағбатлантириш (мотивация бериш), дарсга қизиктириш (34% нисбатан 44%), ўқувчиларнинг танқидий фикрлашига ёрдам бериш (42% нисбатан 56%), синфда тартиб-интизомни назорат қилиш (61% нисбатан 75%), тартиб-интизом бузилишига қарши ўз таъсирини кўрсатиш



14-кўрсаткич. Таклиф этилаётган соҳаларда ўз қобилиятларига ишончи комил бўлган ўқитувчилар фоизи (ўқитувчининг ёши ва тажрибасига қараб)



(58% нисбатан 69%), турли баҳолаш усулларидан фойдаланиш (53% нисбатан 67%), ўқувчилар уни ва мавзуни тушунишда қийналсалар, янги материални бошқа (алтернатив) усулда тушунтириш (64% нисбатан 73%) ва синфда ўқитиши усулларини ўзгартира олиши (51% нисбатан, 67%) каби мезонлар билан баҳоланиб, таҳлил қилинди.

Сўровномада қатнашган ўқитувчиларнинг 90%и доимий штат асосида (муддатсиз меҳнат шартномаси бўйича) ишлиши маълум бўлди. Ўқитувчиларнинг умумий баҳолашига кўра, 2021 йилдан иш ҳафта давомийлиги ҳозир 36-40 соатни¹ ташкил қилмоқда, лекин ўзбекистонлик ўқитувчилар ўзларининг хорижий ҳамкасларига нисбатан деярли 5 соат кўпроқ ишлиши маълум бўлди. Шу билан бирга, бу вақтнинг ярмидан кўпроғини бевосита ўқитишига бағишлишган – 24 соат (тадқиқотнинг ўртачасидан 4 соат кўпроқ), қолган вақт эса ўқитувчи томонидан ҳал этиладиган бошқа кўплаб вазифаларга сарфланади: режалаштириш ва дарсларга тайёргарлик кўришга – 9 соат (бу TALIS-2018 ўртачасидан 2 соат кўпроқ), вазифа ва уй ишларини текширишга – 5 соат, ҳамкаслар ва касбий малакасини ошириш бўйича ишлишга – 4 соат. Ўқитувчиларнинг қўшимча маъмурий (административ) ишлари камайган ва ўртacha 3 соат давом этади. Беш йилдан ортиқ тажрибага эга ўқитувчиларнинг иш ҳафтаси кам тажрибали ҳамкасларига қараганда деярли 5 соатга кўпроқ.

Шуни таъкидлаш керакки, турли мамлакатлардаги ўқитувчилар иш ҳафтасининг тузилиши бир-биридан жуда фарқ қиласди. Масалан, ўзбек ўқитувчисининг иш ҳафтасини PISA тадқиқотида иштирок этаётган мамлакатлардаги ҳамкаслари билан солиширамиз (15-кўрсаткичга қаранг).

Ўзбек ўқитувчилариға белгиланган иш ҳафтаси 36-40 соат – маҳаллий ўқитувчиларнинг ўзлари томонидан қайд этилган вақт бўлиб, улар иш билан боғлиқ вазифалар бўйича мактабда охирги тўлиқ календар ҳафтасини сарфлаганлар. Бироқ, юқорида айтиб ўтилган вазифаларга сарфланган соатларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, ўқитувчининг иш ҳафтаси 45 соатга етади. Шунингдек, ўқитувчилар вақтини қадрлашга мойил бўлсада, улар турли фаолиятлар учун ажратилган вақт уларнинг ҳақиқий ўз вазифаларини амалга оширилишидан юқори деб тахмин қилиш имконини беради. Графикда кўрсатилишича, сўровномада ўқитувчилар томонидан билдирилган умумий иш вақти улар томонидан турли хусусий

¹ Бир соат=45минут.

иш вазифаларини ҳал қилиш (дарсларга тайёргарлик қўриш, қоғозларни текшириш, ўқувчиларга маслаҳат бериш ва ҳ.к.) жами сарфланган вақтдан анча кам.



15-кўрсаткич. Ўқитувчиларнинг жавобларига кўра ишга сарфланадиган вақт (ҳафтасига соатлар(60 минут)да)



16-кўрсаткич. Ўзбек ўқитувчисининг 45 дақиқалик дарси



Ўзбек ўқитувчилари ташкилий масалалар (давоматни текшириш, материалларни тарқатиш, ташкилий маълумотларни етказиш ва бошқалар бўйича дарсга камроқ вақт ажратадилар) ва синфда тартибни сақлашга TALIS-2018 тадқиқотининг ўртacha қўрсаткичидан камроқ вақт сарфлашади. Ўқитувчилар учун 45 дақиқалик дарсда ўртacha 6 дақиқа ташкилий жараёнлар (давоматни текшириш, тарқатма материаллар тарқатиш, қўшимча ташкилий маълумотларни бериш ва бошқалар) ва синфда тартиб-интизомни сақлашга сарфланади, қолган 39 дақиқа вақт бевосита таълим жараёни билан олиб борилади. Шу билан бирга, аёл ўқитувчилар ёши ва тажрибасидан қатъий назар, улар эркак ҳамкасларидан қўра ўқувчиларга мавзуни ўргатиш учун кўпроқ вақт ажратишади. Ўзлаштириши паст ва академик қўрсаткичлари кам бўлган, шунингдек, имконияти чекланган ўқувчилар кўп бўлган синфларда ўқувчиларни ўқитишга кам вақт сарфланади.


Мактабда, аслида, ўқитиш ва ўрганишга сарфланган вақт синфнинг катталиги ёки иқтидорли ўқувчиларнинг нисбати билан таққосланмайди, аммо ўзлаштиришда академик қўрсаткичларнинг пастлиги ва жимоний имконияти чекланган ўқувчиларнинг нисбати сарфланган вақт самарадорлигини камайтириши қайд этилган. Синфда тартибни сақлаш учун сарфланадиган вақт бевосита синф ҳажмига, академик қўрсаткичлари паст бўлган ўқувчилар сонига ва имконияти чекланган ногирон ўқувчилар сонига таъсир қўрсатади. Аёл ўқитувчилар ва катталар/тажрибали ўқитувчилар синфда интизомни сақлаш билан кўпроқ овора бўлиши тадқиқот давомида аниқланди.

Кўп ҳолларда ўқитувчилар дарс бошида дарс мақсадларини (85%) қўрсатиб, янги ва эски мавзуларнинг қандай боғланганлигини (82%) тушунтирадилар. Ўзбекистонлик она тили ўқитувчилари, TALIS тадқиқотида иштирок этаётган барча мамлакатлар учун ўртacha олингандা, аввалги дарсни умумлаштириш (66% ва 76%), дарснинг режалаштирилган натижалари бўйича ҳисобот (80% ва 90%), ўқувчиларнинг гурӯх бўлиб ишлашига қаратилган вазифалар беришга (43% ва 53%) камроқ эътибор қаратишади.

Тадқиқотда ўқитувчиларнинг узоқ муддатли (амалга оширишнинг камида бир ҳафтаси) лойиҳа шаклидаги ишларни кам ташкил қилиши (26%) маълум бўлди. Ўқитувчилар ўқувчиларга мунтазам равишда аниқ жавоблар (58% ва 38% TALIS ўртacha) бўлмаган вазифаларни бериб, синфда ишлаётган (69% ва 52%) ахборот-коммуникация технологияларидан (АКТ)

фойдаланишга рухсат берадилар. Умуман олганда, ўқитувчилар АҚТдан кўп фойдаланишга рухсат бера бошлаганлар. Кўпроқ малака ошириш ва касбий тайёргарлик дастурида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича курсни ўқиган, электрон платформа орқали малака ошираётган ўқитувчилар бунга мойил ва ўқувчиларга кўпроқ имкон бериши аниқланди.

Танқидий фикрлаш замонавий шахснинг жуда муҳим ва келажақдаги профессионал қўриниши сифатида эътироф этилади. Она тили ўқитувчилари ўқувчилардан танқидий фикрлашни талаб қиласидиган вазифаларни TALIS-2018 тадқиқотларидағи ўртача қўрсаткичдан бироз камроқ бериши ҳақида маълум қилишган (17-кўрсаткич).



17-кўрсаткич. Ўқитувчилар ҳар доим ёки тез-тез ўқувчиларга тури вазифалар бериши

Тадқиқотга кўра, ўқитувчилар ўқув материалыни бевосита тақдим этишдан кўра, ўқувчиларнинг англаш ёки билиш фаолиятини ривожлантириш методларига камроқ мурожаат қилишади. Ўқувчиларнинг англаш ёки билиш фаолиятини фаоллаштириш, уларни баҳолаш, интеграциялаш ва муаммоларни ҳал қилишда билимларни қўллашни талаб



қиладиган² ва ечимини топиш учун гурӯҳ ишлари билан боғлиқ бўлган ўқув фаолиятидан иборат.

Тадқиқотимиз натижаларига кўра, ўртача 60% ўқитувчилар ўқувчиларга тез-тез ёки доимий равишда танқидий фикрлаш вазифаларини бериб боради, деб хабар беришган; ўқитувчиларнинг 42 фоизи ўз ўқувчилари берилган топшириқларга ечим топиш учун кичик гурӯҳларда ишлашади, деб айтишса; 45% ўқитувчилар ўқувчиларга мураккаб муаммоларни ҳал қилиш йўлларини мустақил равишда топишларини сўрашади ва педагогларнинг 58% аниқ ечими йўқ вазифаларни беради, бу эса TALIS-2018 тадқиқотининг ўртача кўрсаткичидан 20%дан юқори бўлган.

Ўқувчиларнинг билим қобилиятини ривожлантириш, эҳтимол, бу дунёдаги энг қийин ўқув мақсадларидан бири бўлиб, ўқитувчилардан бошқа методларга нисбатан фан соҳаси бўйича энг юқори даражада билимга эга бўлишни талаб қилади³. Бу ўқитиш усусларини эслатиш частотаси синфдаги иқтидорли ўқувчиларнинг нисбати ва ўқитувчининг иш тажрибаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, аёл ўқитувчилар бундай усуслардан кўпроқ фойдаланадилар.

Таъкидлаш жоизки, ўқитувчиларнинг қундалик педагогик амалиётига “танқидий фикрлаш”, “ижодий фикрлаш” атамалари тобора кўпроқ киритилмоқда, бироқ ўқувчиларнинг танқидий ёки ижодий тафаккурини шакллантиришни баҳолаш учун ягона ёндашувлар ҳали аниқланмаган. Тадқиқотчиларнинг саъй-харакатлари тегишли баҳолаш турининг усул ва шаклларини топишга қаратилган. Бу муаммони ҳал этиш шаклий баҳолаш усусларини янада ривожлантиради, деб тахмин қилинади⁴. Шу билан бирга PISA тадқиқотида биринчи марта анъанавий баҳолаш соҳалари (ўқиш, математик ва табиий саводхонлиги) билан бирга ўқувчиларнинг ижодий фикрлашини баҳолашга ҳаракат қилинади⁵. PISA тадқиқотларида иштирок этиш Ўзбекистонга нима беради? Биринчидан, мамлакатлар халқаро тадқиқотларда иштирок этишлари керак, чунки улар мамлакат ички ҳолатидан эмас, балки халқаро стандартлар нуқтаи назаридан ташқи баҳо


² Lipowsky, F. et al. (2009) "Quality of geometry instruction and its short-term impact on students' understanding of the Pythagorean Theorem" [Электронный ресурс] // Learning and Instruction– Vol. 19/6, pp. 527-537. – Режим доступа:<http://dx.doi.org/10.1016/j.learninstruc.2008.11.001>.

³ Baumert, J. et al. (2010) "Teachers' mathematical knowledge, cognitive activation in the classroom, and studentprogress [Электронресурс] // American Educational Research Journal/. Vol. 47/1, pp. 133-180.

⁴ Lucas, B., G. Claxton and E. Spencer (2013) "Progression in Student Creativity in School: First Steps TowardsNew Forms of Formative Assessments" [Электрон ресурс] // OECD Education Working Papers/ – No. 86,OECD Publishing.– Режимдоступа:<http://dx.doi.org/10.1787/5>

⁵ PISA Creative Thinking Framework

беришади. Иккинчидан, илк йиллардан жуда яхши, ижобий натижалар олиб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотга жалб этилган ҳамкасларимиз, қўшни мамлакатларда бўлаётган воқеаларни яхши таҳдил қилишимиз зарур.



18-кўрсаткич. Тавсия этилган баҳолаш усувларидан тез-тез ёки ҳар доим фойдаланишларини билдиригган ўқитувчиларнинг улуши

Маълумот учун, 1990 йилларнинг охирида таълим сиёсатини ишлаб чиқиш учун тадқиқотларда аниқ илмий ёндашувни қўллаш ғояси Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолаш бўйича халқаро дастур – PISA тадқиқоти яратилишига олиб келди. PISA тадқиқотида баҳолашнинг асоси, бу – математика, ўқиш, табиий фанлар ва қатор инновацион соҳалар бўйича жаҳон микёсида мувофиқлаштирилган топшириклар тўпламидир. Бундай баҳолаш ҳар 3 йилда иштирокчи мамлакатларнинг 15 ёшли ўқувчилари ўртасида тасодифий танлов асосида ўтказилади.

PISA фанларга оид билимларни, шунингдек, ўқувчиларнинг шу билимларини, ҳатто нотаниш контекстда ҳам ижодий қўллаш қобилиятини баҳолайди. Шунингдек, бу дастур 16 ёшдан 65 ёшгacha бўлган инсонлар ўртасида ўқиш саводхонлиги, математик саводхонлик ҳамда ахборот



коммуникация технологияси (АКТ) соҳасидаги билимларни баҳолайдиган РІААС дастури билан чамбарчас боғлиқ.

PISA тадқиқотлари ҳар бир мамлакатга ўзининг кучли ва заиф томонларини дунё таълим тизими билан қиёслаш имконини беради. Шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб этади, яъни инвесторлар мамлакатда билимли, малакали кадрлар борми, деган саволга бу тадқиқот натижалари орқали жавоб топади.

TIMSS – мактабда математика ва табиий фанларни ўқитиш сифатининг халқаро мониторинги бўлиб, Таълим ютуқларини баҳолаш халқаро ассоциацияси (IEA) томонидан ташкил этилади. Ушбу тадқиқот турли давлатлардаги 4 ва 8-синф ўқувчиларининг математика, табиий фанлар бўйича эгаллаган билим даражаси ва сифатини солиштириш ҳамда миллий таълим тизимидағи фарқларни аниклашга ёрдам беради. Кўшимча равишда мактабларда математика ва табиий фанлар бўйича берилаётган таълим мазмуни, ўқув жараёни, ўқув муассасаси имконияти, ўқитувчилар салоҳияти, ўқувчиларнинг оиласлари билан боғлиқ омиллар ўрганилади. Ушбу маълумотлар белгиланган фанларни ўзлаштириш ҳолатини

кўрсатишда асос бўлади. Тадқиқот тўрт йилда бир марта дунёning кўплаб илмий-тадқиқот марказлари ва ташкилотлари, хусусан, АҚШнинг Таълим соҳасидаги тест хизматлари (ETS-Educational Testing Services), Канаданинг статистик маркази (Statistic Canada), Таълим ютуқларини баҳолаш халқаро ассоциацияси (IEA)нинг котиби иштирокида ўтказилади. Шунингдек, турли давлат мутахассисларидан иборат маслаҳат қўмиталари ташкил этилади.

Баҳолашда яхши натижалар қўрсатиш учун ҳеч бўлмагандан икки мақсадга эга бўлиш керак: биринчиси, ўқитувчилар ва улар ишлайдиган, фойдаланадиган материалларни тайёрлашдир. Зоро халқаро тадқиқотларда бежизга мактабларда таълим сифати ўқитувчиларнинг касбий даражасига боғлиқ, деб айтишмайди. Демак, ўқитувчиларни тайёрлашга маблағ ажратиш ва янги ўқув материалларини яратиш керак. Тегишли вазирликлар малака ошириш тизимиға инвестиция киритиши, молиялаштириши ва услубий қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароитлар яратиши лозим.

Халқаро тадқиқотлардаги натижаларни яхшилаш учун ўқитувчиларни мақсадли тайёрлаш ва таълим жараёнида ўқитиш методикаси ва устувор тамойилларни ўзгартириш зарур. Бунинг учун ўқитувчиларни тайёрлашимиз, ривожлантирувчи таълимнинг янада фаол тизимини татбиқ этишимиз ва ўқитувчиларни таълим жараёнида янада муваффақиятли фойдалана оладиган материаллар билан таъминлашимиз керак.

Ўқувчилар билимини баҳолашнинг энг оммабоп усули – бу дарҳол тавсиялар бериш учун аниқ бир вазифани бажариш давомида уларни кузатиш – 69% ўқитувчилар буни амалга оширадилар. Шу билан бирга ўқитувчилар мунтазам равишда ўз-ўзини баҳолаш тизимидан (ўқитувчиларнинг 39%) фойдаланадилар, бу эса ўқувчиларнинг 37% ўз-ўзини баҳолашдан фойдаланади дегани. Камдан-кам ўқитувчилар ўқувчининг иши ҳақидаги ўзининг ёзма мулоҳазаларини қолдирадилар. Бироқ, ёзма мулоҳазаларни фақат 16% ўқитувчилар қиласади, бу албатта бутун тадқиқот ўрганиш нисбатидан деярли тўрт марта кам.

4.2. Мактаб директорининг иш кунлари

Мактаб директорларининг хизмат вазифалари рўйхати жуда кенг ва узун. Бутун ўқув йили давомида улар маъмурий ва бошқарув функцияларини бажаришга ўз вақтининг учдан бир қисмини (39%) сарфлайди, бу қоидалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқиш, ҳисоботларни тайёрлаш, мактаб бюджети, дарс жадваллари, синфларни шакллантириш ва расмий таълим органларининг сўровларига жавоб беради.


Директорлар иш вақтининг фақат бешдан бир қисми стратегик фаолиятга, жумладан, узоқ муддатли режалаштириш, мактабни ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш ва ходимларни ёллаш каби кадрлар масалаларини ҳал қилишга бағишлиланган.

Уларни хорижий ҳамкаслари билан солиширганда, ўзбекистонлик мактаб директорлари ўқув ва таълим билан боғлиқ фаолиятга камроқ вақт сарфлайдилар (шу жумладан, ўқув дастурларини тайёрлаш, дарс ўтиш, ўқитувчиларнинг дарсларига кириш, устоз-шогирд амалиёти, ўқитувчилар малакасини ошириш) – 13%. Лекин бундай фаолият кўпинча таълим жараёнини бошқаришнинг асосий таркибий қисми сифатида эътироф этилади. Сингапур директорлари бу муҳим вазифаларга иш вақтининг бешдан бир қисмини сарфлайди, PISA тадқиқотининг бошқа етакчи давлатлари ҳам шунга ўхшаш натижаларга эга (19-кўрсаткичга қаранг). Директорлар энг кам иш вақтини (5%) маҳаллий ва ҳудудий жамоалар, тадбиркорлар ва бизнес ҳамда саноат корхоналари вакиллари билан ўзаро ҳамкорликка сарфлайди.

Директорларнинг сўзларига кўра, улар тез-тез очик дарсларга кириб туришлари, ўқитувчиларга ўзларининг кузатувлари асосида ҳисобот беришларини ташкиллаштириш ва ўқитувчиларни малакасини ошириш учун масъулиятни ўз зиммаларига олишга ундашлари керак. Шунингдек, уларнинг фикрича ўқувчиларнинг ўқув натижалари бўйича ота-оналар ёки

ишончли вакилларга маълумотлар тайёрлаш ва шу билан бирга, мактабнинг малака ошириш режаси устида ишлашларига тўғри келмоқда. Баъзи ҳолатларда, директорлар синфлардаги интизом билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда ўқитувчиларга ёрдам беришларига тўғри келмоқда, янги ўқитиш методларини ишлаб чиқиша ўқитувчилар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш ва рафбатлантириш, хато ва камчиликлар бўйича ҳисоботларни текшириш, мактаб ишларини бошқаришда хато ва камчиликларни аниқлаш, дарс жадвали билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, мактабни ривожлантиришнинг қийин ва устувор масалалари бўйича бошқа мактаб директорлари билан ҳамкорлик қилиш ишларини бажаришмоқда.





19-кўрсаткич. Ўқув йили давомида турли мактаб директорларининг бажарадиган вазифалари

Ўтказилган сўровларга қўра, респондентларнинг ярми мактаб ўқувчилари ўртасидаги тартиббузарликлар муаъян чегарадан ошиб ўтмаса, бу умуумий ҳодиса эканлигини таъкидлашди.

Бироқ, тадқиқот ишида иштирок этган мактаб директорларидан фақат 2% мактабда ўқувчилар орасида ками билан ҳафтасига бир марта келишмовчилик, кўрқитиш ёки безорилик содир бўлишини тан олишди (умуман, TALIS-2018 қўрсаткичи 13%, шу жумладан Финландияда 30%).




20-кўрсаткич. Мактабларда тартиб-интизом: тавсия этилган сўровларга қатнашган ўқитувчиларнинг улуши

